БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 21 (768)

29 ЯНВАРЬ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бу йил совет халқи шонли кунни — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини нишонлайди, Коммунистик партия раҳбарлиги остида босиб ўтилган йўлни якунлайди. Ватанимиз меҳнаткашлари бу қувончли байрамни хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида янги зўр муваффақиятлар билан нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар.

(«Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва МТС ишчиларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 1957 йилги Мажбуриятлари»дан).

Маҳаллий Советлар ишини тубдан яхшилайлик

Мамлакатимизда Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси эксплуатация ва миллий зулм кишанларини абадий парчалаб ташлади, инсониятга социализмнинг кенг ва ёруғ йўлини кўрсатиб берди. Бу революция моддий бойликлар яратувчи меҳнаткаш халқ оммасини мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинига айлантирди.

Совет ҳокимияти барпо қилингандан кейин кўп ўтмай В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Меҳнаткаш ўртоқлар! Ҳозирги вақтда давлатни **ўзингиз** идора қилаётганлигингизни эсда тутингиз... **Сизнинг** Советларингиз — бундан буён давлат ҳокимияти органларидир, тўла ҳуқуқли, ҳал қилувчи органлардир». Совет давлати тараққиётининг қарийб қирқ йиллик тажрибаси В. И. Ленининг бу доно сўзларини тўла тасдиқлади. Оммани энг яқин, энг жонажон, энг демократик ва энг интернационал ташкилоти бўлган Советлар меҳнаткашларни давлатни идора этиш ишларига бевосита кенг жалб этадиган тўла ҳуқуқли, оммавий давлат ташкилоти эканлигини амалда исботлади. Шунинг ўзини айтиш кифояки, бизда ҳамма миллатлардан бўлган миллион-миллион гражданлар Советлар ишида актив қатнашмоқдалар. Советлар ҳузуридаги жуда кўп комиссияларда ва бошқа демократик ташкилотларда ишламоқдалар. Фақат меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ўзигагина бир ярим миллиондан кўпроқ киши сайланган. Чинакам халқ ҳокимияти бўлган социалистик демократия ҳар бир совет кишисининг онглилигини оширмоқ учун, ҳар бир совет кишисида мамлакат хўжайини бўлиш ҳиссини мустаҳкамламоқ учун бутун шарт-шароитни таъминлаб бермоқда.

Капитализм малайлари буржуазия демократиясининг «афзалликлари»ни кўкларга кўтариб мақтайдилар. Аммо бойлик ва жамиятнинг сиёсий кучи капиталистлар ва помешчиклар қўлида бўлгандан кейин, меҳнаткашлар қўлида буларнинг биронтаси бўлмагандан кейин демократия тўғрисида гап бўлиши мумкинми?! Буржуазия ўз демократиясини кўкларга кўтариб мақтайлиган Америка Қўшма Штатларида коммунистлар, прогрессив кишилар қаттиқ таъқиб остига олинмоқда, ирқий камситиш авж олмоқда. Буржуазия демократиясининг моҳияти ана шундай.

Совет демократияси — чинакам халқ демократияси, социалистик демократиядир. У, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг бузилмас иттифоқига асосланади, совет халкларининг қардошларча бузилмас дўстлиги руҳи билан суғорилган. Совет демократиясининг буюк хусусияти шундаки, у жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш ҳамда чоғда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминот олиш сингари ҳуқуқларни ва жуда кўп эркинликларни бериб қўйиб, шу ҳуқуқ ва эркинликларни реал равишда таъминлайди, жамиятнинг тўхтовсиз тараққий қилмоғи учун, ҳар бир айрим шахсдаги талант ва ижодий қобилиятни ҳар томонлама ривожлантирмоқ учун бутун шароитларни яратиб беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли XX съезди совет демократиясини янада ривожлантириш, маҳаллий Советлар ишини янада яхшилаш, уларнинг омма билан алоқасини янада кучайтириш тадбирларини белгилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати партиямиз шонли XX съездининг ана шу кўрсатмаларини амалга ошириб, Советлар ишини тинмай яхшиламоқдалар, уларнинг омма билан, сайловчилар билан алоқасини тинмай мустаҳкамламоқдалар. Советларнинг ҳўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик роли тинмай ошиб бормоқда. Фактлар шуни кўрсатдики, маҳаллий Советлар оммани ижодий ташаббусига бошчилик қилсалар, хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилсалар, хўжалик ва маданий қурилишда, халқ моддий фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин. Бу соҳада Бекобод шаҳар Советининг иши диққатга сазовордир. Шаҳар Совети ўтган йили депутатлар, доимий комиссия аъзолари ва активлар иштирокида уй-жой қурилиши, маданий-маиший қурилиш, соғлиқни сақлаш масалаларини кенг муҳокама қилиб, бу масалалар юзасидан батафсил план ишлаб чиқди. Шаҳар Советининг ташкилотчилик фаолияти яхши натижалар берди. Ўтган йилнинг ўзида шаҳарда 2246 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Цементчилар шаҳарчасида 400 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, асботрубачилар ва пахта тозаловчиларнинг болалари учун 2-боғча қурилди. Қишки кинотеатр биноси қурилиши тугалланай деб қолди. Шаҳар Совети ва унинг доимий комиссиялари, активларининг ташаббуси натижасида социалистик Бекободнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Шунингдек, Оржоникидзе, Янгийўл район Советларининг бу соҳадаги ишлари ҳам анча ибратлидир.

Аммо шуни айтиш керакки, маҳаллий Советларнинг фаолияти ҳали партиямиз XX съезди қўйган буюк вазифалар даражасида эмас. Кўпгина шаҳар, район ва қишлоқ Советлари ўз функцияларини етарли бажармаётирлар. Улар хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда кенг меҳнаткашлар оммасидан ажралиб қолмоқдалар, уларнинг ижодий ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилмаётирлар.

Бунга мисол қилиб Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетини кўрсатиш мумкин. Район ижроия комитетининг аъзолари активлардан ажралиб қолганлар, сайловчилар наказини бажаришда депутатларга етарли ёрдам бермайдилар. Раисполкомда қоғозбозлик авж олган, меҳнаткашларни қабул қилишда қатъий белгиланган тартиб йўқ, уларнинг шикоят ва аризалари ўз вақтида кўрилмайди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Соти-боев аппаратдаги қоғозбозлик ва меҳнаткашларни қабул қилишдаги тартибсизликларга қўникиб қолган.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари омма билан алоқани тинмай мустаҳкамлашлари, бюрократизм ва сансолларликка ҳотима бериб, Советларнинг ишини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтаришлари керак.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойи қишлоқларда қурилиш ишларининг аҳволи меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабига жавоб бераолмаслигини, бу соҳада партия ва совет ташкилотлари олдидаги вазифаларни алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Вазифа — ана шу камчиликларни тезда тугатишдан, Советларнинг ва Советлар ижроия комитетларининг хўжалик, маданий қурилишдаги ролини оширишдан, Советлар ишини барча депутатларнинг актив иштирок қилиши ва уларнинг сайловчилар билан яқин алоқада бўлиши асосида пухта ташкил этишдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет масалаларини ҳал этишда маҳаллий органларнинг роли ва ҳуқуқларини ошириш зарур эканлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Пленумнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, маҳаллий Советларнинг таъсирини янада кучайтириш керак. Советларнинг саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишлаб чиқариш планларини бажаришда жавобгарлигини ошириш зарур.

Меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ва унинг ижроия органлари жойлардаги маҳаллий ресурсларни қидириб топишларга бошчилик қилсалар, ишлаб чиқаришнинг кўзини билиб раҳбарлик қилсалар, хўжалик ва маданий қурилишда, халқ моддий фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин. Бу соҳада Бекобод шаҳар Советининг иши диққатга сазовордир. Шаҳар Совети ўтган йили депутатлар, доимий комиссия аъзолари ва активлар иштирокида уй-жой қурилиши, маданий-маиший қурилиш, соғлиқни сақлаш масалаларини кенг муҳокама қилиб, бу масалалар юзасидан батафсил план ишлаб чиқди. Шаҳар Советининг ташкилотчилик фаолияти яхши натижалар берди. Ўтган йилнинг ўзида шаҳарда 2246 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Цементчилар шаҳарчасида 400 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, асботрубачилар ва пахта тозаловчиларнинг болалари учун 2-боғча қурилди. Қишки кинотеатр биноси қурилиши тугалланай деб қолди. Шаҳар Совети ва унинг доимий комиссиялари, активларининг ташаббуси натижасида социалистик Бекободнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Шунингдек, Оржоникидзе, Янгийўл район Советларининг бу соҳадаги ишлари ҳам анча ибратлидир.

Аммо шуни айтиш керакки, маҳаллий Советларнинг фаолияти ҳали партиямиз XX съезди қўйган буюк вазифалар даражасида эмас. Кўпгина шаҳар, район ва қишлоқ Советлари ўз функцияларини етарли бажармаётирлар. Улар хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда кенг меҳнаткашлар оммасидан ажралиб қолмоқдалар, уларнинг ижодий ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилмаётирлар.

Бунга мисол қилиб Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетини кўрсатиш мумкин. Район ижроия комитетининг аъзолари активлардан ажралиб қолганлар, сайловчилар наказини бажаришда депутатларга етарли ёрдам бермайдилар. Раисполкомда қоғозбозлик авж олган, меҳнаткашларни қабул қилишда қатъий белгиланган тартиб йўқ, уларнинг шикоят ва аризалари ўз вақтида кўрилмайди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Сотиболиев аппаратдаги қоғозбозлик ва меҳнаткашларни қабул қилишдаги тартибсизликларга қўникиб қолган.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари омма билан алоқани тинмай мустаҳкамлашлари, бюрократизм ва сансолларликка ҳотима бериб, Советларнинг ишини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтаришлари керак.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойи қишлоқларда қурилиш ишларининг аҳволи меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабига жавоб бераолмаслигини, бу соҳада партия ва совет ташкилотлари олдидаги вазифаларни алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Вазифа — ана шу камчиликларни тезда тугатишдан, Советларнинг ва Советлар ижроия комитетларининг хўжалик, маданий қурилишдаги ролини оширишдан, Советлар ишини барча депутатларнинг актив иштирок қилиши ва уларнинг сайловчилар билан яқин алоқада бўлиши асосида пухта ташкил этишдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет масалаларини ҳал этишда маҳаллий органларнинг роли ва ҳуқуқларини ошириш зарур эканлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Пленумнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, маҳаллий Советларнинг таъсирини янада кучайтириш керак. Советларнинг саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишлаб чиқариш планларини бажаришда жавобгарлигини ошириш зарур.

Меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ва унинг ижроия органлари жойлардаги маҳаллий ресурсларни қидириб топишлари, бу маҳаллий материаллардан барча қурилишларда, айниқса уй-жой қурилишини кенгайтиришда кенг фойдаланишлари зарур. Республикамизда, шу жумладан областимизда қурилиш учун зарур бўлган битмас-туганмас маҳаллий ресурслар бор. Республикамизда 1 миллион гектарга яқин қамишзор бор. Айниқса областимизнинг Мирзачўл, Гулистон, Сирдарё ва бошқа районларида қимматли қурилиш материали бўлган қамиш истаганча топилади. Мирзачўлда ана шу қамишдан тайёрланган плиталардан бир неча уй қурилди. Бу тажрибани кенг қўлланиб, маҳаллий ресурслардан қурилиш ишларида кенг фойдалана билиш керак.

Маҳаллий Советларнинг ўзларига юклатилган вазифаларини муваффақиятли амалга оширишлари учун уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, Советларнинг фаолиятидаги демократик централизм принципларини огишмай, ижчиллик билан амалга ошириш зарур. Бунинг учун ижроия комитетлар, бошқармалар ва бўлимларнинг, доимий комиссияларнинг, депутатларнинг Советлар олдидаги жавобгарлигини оширмоқ лозим. Советларнинг сессияларини ўз вақтида чақириш, бу сессияларда хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет ва амалий вазифаларини кенг муҳокама қилиш, ишдаги камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида дадиллик билан очиб ташлаш зарур. Сессияларни юзаки, тайёргарликсиз, формал равишда ўтказиш Советларнинг обрўсини туширади. Сессияларнинг жонли, юксак савияда ўтишига эришиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилмай, қоғозда қолиб кетишига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Маҳаллий Советларда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар кенг меҳнаткашлар оммасига дарҳол етказилиши зарур. Бунинг учун ҳарбир депутат сессиядан кейин ўз сайловчилари билан учрашиши, сайловчиларни кўрилган ҳамма масалалардан хабардор қилиши, уларнинг бу ҳақдаги фикрларини эшитиши керак.

Маҳаллий Советларга бўладиган сайловга тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Сайлов кампанияси Совет халқи КПСС XX съездининг тарихий қарорлари асосида коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини амалга оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритган бир вазиятга тўғри келди. Республикамиз, шу жумладан областимиз саноат ишлаб чиқариш планини, пахта тайёрлаш давлат планини бажарди. Республикамиз Ленин ордени билан мукофотланди. Бу, қаҳрамон ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларнинг, интеллигенциямизнинг галабасидир. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаси — ана шу сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини янада авж олдириб, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириб юборишдан иборатдир. Бу ишлар меҳнаткашларни партия XX съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, олтинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга, бу йил мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш тўғрисидаги вазифаларни бажаришга сафарбар этмоғи лозим.

Илгаригидек бу сайловларда ҳам маҳаллий Советларга кўрсатиладиган номзодлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатларидан иборат бўлади. Бу кандидатлар меҳнаткашларнинг кенг жамоат ташкилотлари, умумий йиғилишлари томонидан кўрсатилмоқда. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари — халқ вакиллари, умум ишончига сазовор бўлган халқимизнинг энг яхши ўғил ва қизларидирлар.

Маҳаллий Советларга бўладиган сайлов совет ижтимоий ва давлат тузуминнинг буюк ҳаётий кучини, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқининг қудратини яна бир бор намойиш қилиб кўрсатади, совет демократиясининг буюк тантанасига айланади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА К. Е. ВОРОШИЛОВ ҲУЗУРИДА ЗИЁФАТ

Чехословакия республикасининг Республика президенти Антонин Запотоцкий бошчилигида давлат визити билан келиб, Москвада турган делегацияси шарафига СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 26 январда Катта Кремль саройида зиёфат берди.

Зиёфатда президент А. Запотоцкий билан бирликда Чехословакия Ҳукуматининг Раиси Вильям Широкий, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Антонин Новотний, Ҳукумат Раисининг ўринбосари Вацлав Копецкий, Госплан Раиси — Министр, инженер Ота Шимунек, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Иржи Гендрих, Ташқи ишлар министри Вацлав Давид, Қурилиш бўйича давлат комитетининг раиси — министр профессор Эммануэл Шлехта, Ташқи савдо министри Рихард Дворжак, Соғлиқни сақлаш министри доктор Иозеф Плойгар, Миллий мудофаа министри генерал-полковник Богумир Ломский, Маҳаллий саноат министри Иозеф Кисели, Вакиллар корпусининг раиси Рудольф Стрехай, Чехословакия Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Яромир Вошаглик, Чехословакия элчихонасининг масъул ходимлари, шунингдек делегацияга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Совет томонидан Н. А. Булганин, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар, СССР министрлари ва министр ўринбосарлари, СССР Олий Совети депутатлари, бир қанча бошқармалар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Самимий дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида К. Е. Ворошилов ва А. Запотоцкий, Н. С. Хрушчев, Н. А. Булганин, А. Новотний, В. Широкий, И. Плойгар, Э. Шлехта, И. Кисели ўртоқлар самимий ва дўстона қадаҳ кўтардилар.

Зиёфат қардошлик руҳида ва самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ В. И. ЛЕНИН ВА И. В. СТАЛИН МАВЗОЛЕЙИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Чехословакия Республикасининг Республика президенти Антонин Запотоцкий бошчилигида давлат визити билан Москвага келган делегацияси 26 январь эрталаб В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйди. Бир гулчамбарнинг лентасига: «Бутун дунё меҳнаткашларининг гениал устози ва улуғ йўлбошчиси В. И. Ленинга — Чехословакия Республикаси делегациясидан» деб ёзилган. Иккинчи гулчамбардаги лентага: «Социализм учун улуғ курашчи И. В. Сталинга — Чехословакия Республикаси делегациясидан» деган сўзлар ёзилган.

Чехословакия Республикаси делегациясига СССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Ф. Горкин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев ва бошқалар ҳамроҳ бўлиб бордилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ БИРЛАШГАН ИНСТИТУТИНИ БОРИБ КЎРДИ

МОСКВА, 27 январь. (ТАСС). Давлат визити билан СССРга келган Чехословакия Республикаси делегацияси Москва атрофидаги Дубна шаҳрида — жаҳон физика фанининг янги марказида бўлди. Бу ерда ядро тадқиқотлари бирлашган институти жойлашган. Институтнинг ишларида 12 мамлакат — Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия олимлари қатнашмоқдалар. Институтнинг ишларида қатнашувчи барча мамлакатлар унинг ишларини бошқаришда ҳам, илмий ишларда ҳам бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир.

Ядро тадқиқотлари бирлашган институтнинг директори Украина ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор, доктор Д. И. Блохинцев, Чехословакия Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор, доктор Вацлав Вотрубанинг институт олимлари ҳал этаётган проблемалар ҳақидаги гапларини зўр эътибор билан тингладилар.

Чехословакия Республикасидан келган меҳмонлар учун зиёфат берилди. Зиёфат вақтида ядро тадқиқотлари институтининг директори Д. И. Блохинцев, Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Запотоцкий ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш Бош бошқармасининг бошлиғи Е. П. Славский нутқ сўзладилар.

Дубна шаҳрининг олимлари ва аҳолиси чехословакиялик меҳмонларни самимий табриклидилар.

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Москва жамоатчилиги вакилларининг тантанали мажлиси

Ҳиндистон Республикаси эълон қилинганига етти йил тўлди. Шу кунга бағишланиб 26 январда Москва жамоатчилиги вакилларининг тантанали мажлиси ўтказилди. Бу мажлис ВЦСПС ҳамда чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти томонидан ташкил қилинди.

Союзлар уйининг байрам тусида безатилган Колонна зали ишчилар, инженерлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, совет фани ва маданияти арбоблари, студентлар билан лиқ тўлди.

Мажлисни ВЦСПС секретари В. И. Прохоров очди. Ҳиндистон Республикаси ва СССР давлат гимнлари тантанали янграйди.

СССР Маданият министри Н. А. Михайлов Ҳиндистон Республика деб эълон қилинганлигининг етти йиллиги тўғрисида доклад қилди. У ҳиндистонликларнинг мустақил тинчликсевар сиёсати жаҳон халқларининг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. Совет халқи Ҳиндистоннинг тинчликни ҳимоя қилиш ишида сарфлаётган ғайратига юксак баҳо беради ва қардош ҳинд халқига бу олижаноб курашда янги муваффақиятлар тилайди.

Мажлис қатнашчилари Ҳиндистоннинг СССР даги элчиси К. П. Шменонни қизғин кутиб олдилар. Ўз нутқида, жумладан, дедики, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи тинчлик йўлидан бормоқдалар. Тинчликка бўлган бу интилишда ҳар иккала мамлакат дўст ва иттифоқчидирлар.

Элчи ўз нутқининг охирида яшасин Ҳиндистон ва СССР халқларининг дўстлиги деб хитоб қилди. (ТАСС).

Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитайлик

Газетамизнинг бугунги сонида республикамиз пойтахти илғор корхона коллективларининг Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили — 1957 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириб юбориш ҳақидаги Мурожаати эълон қилинмоқда. Бу Мурожаат совет кишиларининг Коммунистик партия томонидан мамлакатимиз экономикасини кескин суратда юксалтириш юзасидан ишлаб чиқилган ғоят катта программани шараф билан бажариш йўлида, севикли Ватанимиз бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашга тайёр турганликларини яна бир бор амалда кўрсатмоқда.

Бу йил мамлакатимиз меҳнаткашлари ва бутун прогрессив инсоният кишилик жамиятида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини кенг нишонлайди. Илғор корхона коллективлари ана шу шонли кунни ишлаб чиқаришда янги ғалабалар билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам кенг қизитиб юборишга чақирмоқда. Кенг меҳнаткашлар оммасининг бу соҳадаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уни чинакамига умумхалқ ҳаракатига айлантириш керак. Шунга эришмоқ керакки, бирорта ҳам корхона, бирорта ҳам коллектив ўз олдига олижаноб мақсадларни қўйган бу умумхалқ ҳаракатидан четда қолмасин.

Социалистик жамиятимизда оддий совет кишиларининг ўз қобилиятлари ва куч-ғайратларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятлар мавжуддир. Фидокорона меҳнат қилаётган бутун совет кишилари билан бир қаторда, областимиз меҳнаткашларининг қалби олтинчи беш йиллик программасини амалга ошириш туйғулари билан тўлиб тошгандир.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йилни яхши натижалар билан якунлаган областимиздаги илғор саноат корхоналарининг коллективлари эришилган ютуқларни янада фидокорона меҳнат қилиш билан мустаҳкамламоқдалар. Корхоналар, транспорт ва қурилиш участкаларида социалистик мусобақа янада қизитилмоқда. Чирчиқ машинасозлари, Тошкент тўқимачилари, Олмалиқ ва Мирзачўл бинокорлари, Оҳангарон шахтёрлари зўр ғайрат билан ишлаб, иш суръатини тинмай оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми социалистик тузумнинг устунликларидан ва афзалликларидан мамлакат экономикасини зўр бериб юксалтириш манфаатлари йўлида янада тўлароқ фойдаланиш зарур, деб алоҳида кўрсатиб ўтди. Бироқ кўпгина корхоналарда ва қурилиш участкаларида мавжуд резерв ҳамда имкониятлардан ғоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Шу сабабли муҳим заказлар ва давлат планлари бажарилмай қолаётир. Жумладан, 1956 йилда областимиздаги 72 корхона давлат планини бажармади. Шунинг натижасида мамлакатга белгиланганидан 70 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам берилди. Тошкентдаги экскаватор, Бекободдаги цемент, 1-«Стройдеталь» каби бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш графиги бузилаётганлиги сабабли кунлик ва ўн кунлик топшириқлар бажарилмаётир.

Капитал қурилиши, айниқса, уй-жой қурилиши соҳасида жиддий камчиликлар бор. 1956 йилда областимизда уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағдан ақалли 80 проценти ҳам фойдаланилмади. Бу шунинг оқибатида юз бермоқдаки, шаҳар ва район партия комитетлари қолоқ корхоналарни илғорлар қаторига етказиб олишдек ғоят муҳим масала билан ҳали ҳам етарли даражада шуғулланмаётирлар. Ваҳоланки, қолоқ участкалар ва корхоналарни илғорлар қаторига етказиш — мамлакат халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин даражада кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаб боришга тўсқинлик қилаётган камчиликларни ҳар томонлама пухта ўрганишлари, бу камчиликларни туғдираётган сабабларни аниқлашлари ва уларни қатъий суратда йўқотишлари, хўжаликка раҳбарлик қилиш методларини тинмай такомиллаштира боришлари лозим. Техникани янада тараққий эттириш, янги техника ва прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни тўғри ташкил этиш, технология процессларини тобора такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифатини яхшилаш — муҳим вазифа.

Давлат плани — қонун, у ҳар қандай шароитда ҳам тўла ва ошириб бажарилиши лозим. Шунга эришмоқ керакки, давлат планини бажармаган бирорта ҳам участка, бирорта ҳам корхона қолмасин. Севикли Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш манфаатлари, халқимиз моддий фаровонлиги ва маданий даражасини янада ошириш манфаатлари шуни талаб қилади, халқ ва давлат манфаатлари шуни талаб қилади. Корхоналарнинг партия, касаба союз ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишни кескин суратда яхшилашлари, давлат планларининг белгиланган номенклатура бўйича тўла бажарилиши учун қатъий курашишлари лозим. Айниқса, қолоқ участкаларга эътиборни кучайтириш керак.

1957 йилда областимиз саноати олдида ғоят катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақият билан амалга ошириш ўз навбатида маҳаллий партия ва совет ташкилотларидан ўзларининг ташкилотчилик ишларини яхшилашни талаб қилади. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда юксалтириш йўлидаги қудратли восита — социалистик мусобақани уюштириш ва унга раҳбарлик қилишни шу куннинг юксак талаблари даражасига кўтариш, новаторларнинг ҳамда илғор корхоналарнинг, тажрибаларини қунт билан ўрганиш ва уни омма ўртасида кенг пропаганда қилиш ҳамда шу йўл билан илғорлар сафини тобора кенгайтириш — партия ва касаба союз ташкилотларининг жонажон ишидир. Социалистик мусобақа миллионларнинг жонли иши экаллигини эсда тутиб, уни уюштиришдаги камчиликларни битириш, бу соҳадаги формализмнинг ҳар қандай кўринишларини батамом йўқотиш зарур.

Қўш орденли республикамиз пойтахтидаги илғор корхоналар коллективларининг Мурожаатини бир тан, бир жон бўлиб қўллаб-қувватлайлик ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олиш ҳамда олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили — 1957 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик!

Умумий овқатланиш юзасидан Бутуниттифоқ кенгаши

Умумий овқатланиш юзасидан Катта Кремль саройида тўрт кун давом қилган Бутуниттифоқ кенгаши 26 январда ўз ишини тамомлади.

Охирги мажлис қатнашчилари Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. З. Сабуров, М. А. Суслов ва Н. С. Хрушчев ўртоқларни қизғин кутиб олдилар. А. И. Микоян кенгаш қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади. У, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан уларни табриклади. А. И. Микоян Совет мамлакатида умумий овқатланишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида гапирди.

Охирги мажлисда Олтой ўлкаси, Горький области, Урал, Туркманистон вакиллари, балиқ саноати министрининг ўринбосари К. Русаков, РСФСР маориф министрининг ўринбосари Л. Дубровина ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Тўрт кун ичида кенгашнинг ялпи мажлисларида ва секциядарнинг мажлисларида икки юз саксон етти киши сўзга чиқди. Кенгаш қатнашчилари барча умумий овқатланиш ходимларига ва касаба союз ташкилотларига қарата якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар.

Мурожаат охирида мамлакатда умумий овқатланишни янада такомиллаштиришга ва яхшилашга даъват қилинади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ В. П. КАТАЕВНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёзувчи В. П. Катаевнинг туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ҳамда унинг совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Валентин Петрович **Катаев Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль.
1957 йил 26 январь.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Суратда: (чапдан ўнгга): Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи **Б. Саидов**. Калинин районидаги Сталин номли колхоз аъзоси **Ҳ. Абдуллаева**, Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетининг секретари **С. Мусаев**, Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг бригада бошлиғи **Т. Маманов** ўртоқлар.

Олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада қизитайлик!

Тошкентдаги илғор корхоналар коллективларининг республика пойтахтидаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига

М У Р О Ж А А Т И

Қадрли ўртоқлар!

Совет халқи КПСС XX съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш соҳасида катта ғалабаларга эришди. Бу ғалабалар мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг тинмай ўсишини таъминловчи социалистик тузумнинг битмас-туганмас қудрати ва устунлигини кўрсатади. Корхоналаримизнинг коллективлари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш, оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш, прогрессив технологияни жорий қилиш, шу жумладан:

«Термопластавтомат» қуюв машинасида пластмассадан деталлар тайёрлаш, босим билан қуйишни ўзлаштириш, қуюв цехидаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш, йигирув ҳалқаларининг ички ва ташқи томонларига ишлов бериш процессини автоматлаштириш; заводда тайёрланаётган машиналар ҳамда деталларни зангламайдиган моддалар билан қоплашни кенг жорий қилиш имкониятини берувчи гальваник цехини ташкил қилиш.

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Йиллик планни ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 5 декабргача, заказ қилинган ассортимент бўйича 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот бериш, меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 3 процент ошириш.

Силовой кабеллар цехини реконструкция қилишни тамомлаш, иккита қўрғошин прессини ўрнатиш ва кабелларни бронлаш технологиясини яхшилаш.

Узлуксиз вулканизация агрегатини фойдаланишга топшириш.

Л. М. КАГАНОВИЧ НОМЛИ ПАРОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат планини 20 декабргача бажариш. Пландан ташқари 4 паровоз ва 2 вагонни ремонт қилиб бериш.

Пландан ташқари 700 минг сўмлик жамғарма беришга эришиш.

Меҳнат унумдорлигини 1956 йилда эришилган даражадан 2 процент ошириш.

Пўлат қуйиш цехининг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида комплекс механизациялаш юзасидан барча ишларни тамомлаш: жумладан, қолипдан тушириш решеткаси, қуйилмани тозалаш учун қум-тупроқни тушириб турадиган камералар, қум-тупроқ тайёрлайдиган ва қолиплаш машиналари бўлимларида транспортёрлар ўрнатиш, 15 та металл қирқувчи станокни ва 3 та осма кранни модернизациялаш.

Йилига жами 1,2 миллион сўмлик иқтисод берадиган 250 та рационализаторлик таклифини жорий қилиш.

Юк ортиш ва юк тушириш ишларини механизациялаш даражасини камида 80 процентга етказиш.

Йил давомида уй-жой қурилиши учун ажратилган 4 миллион сўм маблағдан фойдаланиб, 1200 квадрат метр янги уй-жой майдонини эксплуатацияга топшириш ва Горький ҳамда Свердловск шаҳар меҳнаткашларининг тажрибалари асосида уй-жой қурилишини кенг авж олдириш.

КАРБОРУНД ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Йиллик планни белгиланган номенклатура бўйича 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 100 минг сўмлик иқтисод бериш.

Камида 2 миллион киловатт-соат электроэнергия тежаш.

Йиллик иқтисодий фойдаси камида 1 миллион сўм бўладиган кам деганда 100 та рационализаторлик таклифи ва техника такомиллашувини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Тайёрлов бўлимини кенгайтириш билан бирга, 6-серия карборунд печлари қурилишини тамомлаш ва фойдаланишга топшириш.

Майдалаш бўлимини қуриш ва фойдаланишга топшириш ҳамда кремний карбиди доналарини нам ҳолида микро ва шлиф порошокларга айлантиришни ўзлаштириш.

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

1957 йил планини 28 декабргача бажариш ва пландан ташқари 5 миллион сўмлик ялпи маҳсулот бериш.

Тежалган хомашё ва яримфабрикатлар ҳисобига йил давомида пландан ташқари 32 тонна калава ип, 900 минг метр хом газмол, 1 миллион 100 минг метр тайёр газмол, 400 минг ғалтак ип, 200 минг метр мулине ипи ишлаб чиқариш.

Нормада белгиланганига нисбатан 1 процент кўп электр қуввати ва пар тежаш.

Меҳнат унумдорлигини 1956 йилда комбинат бўйича эришилган даражага нисбатан 1,5 процент ошириш.

Йил мобайнида газмоллар учун 130 хил янги гуллар нусхасини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий қилиш йўли билан 3,5 миллион сўм тежаш.

Техника ўқувининг барча соҳаларига 2800 кишини жалб қилиш.

1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БЎЙИЧА

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 4 миллион сўмлик оёқ кийими ишлаб чиқариш.

Асосий ва ёрдамчи материалларни тежаш ҳисобига пландан ташқари 90 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш.

Товар маҳсулоти таннархини 600 минг сўм камайтириш.

Пландан ташқари 600 минг сўмлик жамғарма бериш.

Рационализаторлик ва ихтирочилик ишларининг кенг қулоч ёйишини таъминлаш, рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан 1 миллион 200 минг сўмлик маблағ тежаш.

Пойафзалнинг сифати яхшиланган 30 та янги моделини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Конвейерлар ва юқори иш унумли асбоб-ускуналарни ўрнатиш йўли билан 4-ва 5-цехлардаги поток ларни реконструкция қилиш.

Камида 500 ишчи ва инженер-техник ходимни техника ўқувига жалб этиш.

«ТАШПРОДМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари — 7 ноябргача бажариш, меҳнат унумдорлигини топшириққа нисбатан 3 процент ошириш.

Бир қанча ташкилий-техника тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан: машиналарни поток усулда йиғишни ташкил қилиш, кокиль участкасида оғир ишларни, ЗСВ-47 маркали зерно-сушилкалар ва пресслар йиғиш участкасини ва металл складидаги юк ортиш-юк тушириш ишларини механизациялаш.

ЧИННИ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1957 йил давлат планини 10 декабргача бажариш, пландан ташқари 500 минг сўмлик чинни идишлари ишлаб чиқариш.

Меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 1,5 процент ошириш, маҳсулот таннархини белгиланганига қараганда 1 процент камайтириш, тайёрланаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, 100 минг сўмлик хомашё, материаллар, электр қуввати ва ёқилғини тежаш.

Кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш ҳисобига 20 кишини бошқа ишларга кўчириш.

4-ГИШТ ЗАВОДЛАРИ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

Йиллик ишлаб чиқариш программасини ялпи ва товар маҳсулоти бўйича тўла ассортиментда 15 декабргача бажариш.

Пландан ташқари 1 миллион дона гишт ишлаб чиқариш, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш.

Планда белгиланганига нисбатан меҳнат унумдорлигини 5 процент ошириш, маҳсулот таннархини 1 процент камайтириш, 1 процент ёқилғи ва 2 процент электр қувватини тежаш. Хом гиштни печга тахлаш ишини механизациялаш.

КАНОП ФАБРИКАСИ БЎЙИЧА

1957 йил учун белгиланган планни 15 декабргача бажариш, пландан ташқари 730 минг погон метр газмол ишлаб чиқариш. Пландан ташқари 6 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш; меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 1,5 процент ошириш; асбоб-ускуналар иш унумини белгиланганига қараганда 1 процент ошириш. Маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 200 минг сўм камайтириш. Барча маҳсулотни фақат биринчи сортли қилиб ишлаб чиқариш.

Иккита пишитиш, битта калава ўраш ва 2 та ровничий машина ўрнатиш. Йигирув цехини реконструкция қилишни тугаллаш.

Йилига жами 200 минг сўм фойда берадиган камида 80 та рационализаторлик таклифи ва тадқиқот ишларини жорий қилиш.

ТЕМИР ЙЎЛ ТОШКЕНТ БЎЛИМИНИНГ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ БЎЙИЧА

1957 йил планини юк ташишни тонна километр-брутто бўйича, шунингдек тепловозларни ремонт қилиш программасини 20 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини 30 процент ошириш.

Оғир юкли поездларда нормадан ташқари 3 миллион тонна юк ташиш.

Материаллар, ёқилғини тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига пландан ташқари камида 500 минг сўмлик жамғарма бериш.

Техника тезлигини йиллик нормада белгиланганига қараганда 0,5 километр-соат, ўртача суткалик юриш тезлигини эса 50 километр ошириш.

Йил мобайнида депо бўйича камида 700 тонна ёнилғини тежаш.

УЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ 93-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТНИНГ ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

1957 йил планини 19 декабрдан кечиктирмай бажариш ва планга қўшимча равишда 400 минг сўмлик электромонтаж ишларини бажариш.

Меҳнат унумдорлигини 12 процент ошириш ва электромонтаж ишлари таннархини планга нисбатан 1 процент камайтириш.

1957 йилнинг II кварталида Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши объектларини монтаж қилиш бўйича ихтисослаштириган участкани ташкил этиш, уни юқори иш унумли ҳозирги замон механизмлари ва инструментлари билан таъминлаш ва шу йўл билан уй-жой қурилиши объектларини монтаж қилиш муддатларини қисқартириш ҳамда иш сифатини яхшилаш.

* * *

Республикамиз ажойиб ва қувончли кунларни бошидан кечирмоқда. Социалистик Ўзбекистон ҳукуматнинг юксак мукофоти—Ленин ордени билан мукофотланди.

Бу мукофот барча ўзбек халқи билан бир қаторда, Тошкент шаҳар меҳнаткашларини ҳам эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмасликка, Ватанимиз бахт-саодати йўлида янада зўр ғайрат билан ишлашга, саноат, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада зўр бериб юксалтириш йўлида ғайратларини оширишга ундайди.

Тошкент меҳнаткашлари бундан буён ҳам республика пахтакорларига уларнинг мамлакатга бу йил камида 3 миллион тонна пахта бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришларида ҳар томонлама ёрдам берадилар.

Биз ўз зиммамизга шу социалистик мажбуриятларни олиб, Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг барча ишчиларига, инженер-техник ходимларига ва хизматчиларига мурожаат қилиб, олтинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, КПСС XX съездининг улуғ Ватанимиз экономикасини кескин суратда юксалтириш, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш юзасидан қабул қилинган тарихий қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани янада кенг кизитиб юборишга чақирамиз.

БУ МУРОЖААТ КОРХОНАЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИ ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар

Уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши тобора кўпайиб бораётган ҳозирги пайтда бинокорликда индустриал методларни кенг қўлланиш, эффектив бинокорлик материалларини имкони борича кўпроқ қўлланиш областимиз бинокорлари олдида турган муҳим вазифадир. Ҳозирги пайтда мана шу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, областимизнинг бир қанча жойларида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилаётир. Бу корхоналар ёғоч ва бошқа дефицит материаллар ўрнида қўлланиладиган колонна, тўсин перемичка, ёпғич плита, зинапоя маршлари, дераза таглиги ва бошқа шу сингари йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар ишлаб чиқарадилар.

«Средазтрансстрой» трести Сергели станцияси яқинида йилига 36 минг кубометр йиғма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган завод қураётир. Шу йилнинг сўнгги кварталида заводнинг биринчи навбат қурилиши тугалланади. Ҳозирги пайтда асосий ишлаб чиқариш корпуси, қозонхона, склад ва электроподстанция қурилиш объектларида иш жадал суръатда давом эттирилмоқда.

Чирчиқ темир йўл шохобчасининг Бўзсув станцияси яқинида «Средазгидроэнергострой» трести йирик темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарувчи завод қураётир. Бу завод йилига 30 минг кубометр бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Унинг биринчи навбат қурилиши 12.500 кубометр темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бу объект шу йилнинг биринчи квартали охиригача ишга туширилади. Ҳозир қозонхона, асосий корпус, арматура ва опалубка цехлари қуриб битказилди.

Тошкентдаги йиғма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарувчи заводнинг иккинчи навбат қурилиши ҳам тугалланай деб қолди. Бу корхонанинг дастлабки ишга туширилган цехи уй-жой бинолари қурилиши учун маҳсулот бераётир.

Шунингдек, Чирчиқ дарёсининг ёқасида «Главташкентстрой» ва Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги томонидан ёпғич плиталар ҳамда ғовак бетон ишлаб чиқарувчи заводлар қурилаётир.

Юқоридаги объектлар қуриб битказилгач, бинокорликда индустриал методларни кенг қўлланиш соҳасида жиддий ютуққа эришилади.

Я. ТОЛСТОНОГ.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР САЙЛОВИГА ТАЙЕРГАРЛИК

Октябрь районидаги Калинин номли колхоз территориясида ташкил этилган 1-агитпункт яхши жиҳозланган. Сайловчилар бу ерга лекция ва суҳбат тинглаш, газета ва журналлар ўқиш ҳамда телевизион эшиттиришларни томоша қилиш учун келиб турадилар. **Суратда:** сайловчилар колхоз агитпунктида.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Маҳаллий Советлар депутатлигига кандидатлар кўрсатиш

Ўзбекистон пойтахтида Тошкент область Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари бўлмоқда.

Тошкент экскаватор заводи коллективининг сайлов олди йиғилишида йиғув цехининг мастери А. С. Докукти сўзга чиқиб, 17-Воровский сайлов округидан область Совети депутатлигига кандидат қилиб яқинда пенсияга чиққан кадр ишчи-слесарь Николай Игнатьевич Ширягинни кўрсатишни таклиф этди. У область Совети депутатлигига икки марта сайланиб, ўзининг ташаббускор ва қобилиятли ташкилотчи эканлигини кўрсатди. Йиғилиш қатнашчилари бу таклифни бир овоздан қабул қилдилар. Экскаваторчилар 18-Сельмаш сайлов округидан область Совети депутатлигига ўз кандидатлари қилиб область партия комитети саноат бўлими мудирининг ўринбосари Жўра Қабулович Қабуловни ҳам кўрсатдилар.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилиши қатнашчилари 28-Чкалов сайлов округидан область Совети депутатлигига ўз кандидатлари қилиб тикувчилик цехининг бошлиғи Соҳиба Исломовани бир овоздан кўрсатдилар. Соҳиба Исломова ҳозир область Советининг депутати бўлиб, ўзига кўрсатилган ишончни тўла равишда оқлаб келмоқда.

СоюзНИХИ Усимликларни муҳофаза қилиш станциясининг партия ташкилоти шу илмий муассасанинг илмий ходими Хайри Умаровна Ўрмоновани 26-Чапаев сайлов округидан область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

«Гипроцветмет» институти Тошкентдаги филиалининг коллективи 75-Дзержинский сайлов округидан область Совети депутатлигига кандидат қилиб Тошкент область ижроия комитетининг раиси Фахмуддин Хўжаевич Хўжаевни тавсия этди.

Тошкент-Пассажирская станциясининг паровоз депосида кўп кишилик сайлов олди йиғилиши бўлди. Бу ерда 1-Ленин сайлов округидан область Совети депутатлигига кандидат қилиб магистралнинг илғор машинисти Нуъмон Зиёев кўрсатилди. Сўзга чиққанлар унинг софдил ва виждонли ишчи эканлигини, принципиал ўртоқ эканлигини айтиб бердилар. Зиёев маҳаллий Совет депутатлигига кўп марталар сайланган.

Ленин районидаги 94-мактабнинг педагогик коллективи 4-Андреев сайлов округидан кекса педагог Александра Ивановна Ефимовани область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди. Сайлов олди йиғилишида мактабнинг илмий мудири Т. П. Смирнова, партия ташкилотининг секретари Н. А. Комарова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўртоқ Ефимованинг тажрибали ўқитувчи, ташаббускор жамоатчи эканлигини айтдилар.

Ҳамма жойда сайлов олди йиғилишларининг қатнашчилари округ сайлов олди кенгашларига ўз вакилларини сайламоқдалар.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ (ЎзТАГ). Оржоникидзе районидаги колхозларда, совхозларда, МТС ва илмий муассасаларда район Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Сталин номли колхоз йиғилишида депутатликка кандидат қилиб колхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси, колхоз правлениесининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннонов кўрсатилди. Ўртоқ Маннонов раҳбарлик қилаётган колхоз аъзолари ўтган йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, 690 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,3 центнердан пахта топширдилар.

Маленков номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ўтган йил гектар бошига 57 центнердан пахта етиштирган Лайло Салиқова, Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Мубор Йўлдошева, Оржоникидзе МТС директори Солих Иброҳимович Абдурашидов ва районнинг бошқа илғор кишилари ҳам район Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди.

Шаҳар партия кутубхонасида

Тошкент шаҳар партия кутубхонасида маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов муносабати билан бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда агитаторлар учун сиёсий адабиётлар, газета ва журнал материалларидан иборат витрина ташкил қилинди. Витринага совет демократияси, совет сайлов системаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди, халқаро аҳволга оид адабиётлар қўйилган. СССР ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик планига бағишланган диаграмма ҳам агитаторлар фойдаланишига мўлжалланган. Бундан ташқари, кутубхона ходимлари агитаторлар учун сайлов олди агитациясига оид адабиётларнинг тавсия рўйхатини тузиб чиқдилар. 15 январдан бошлаб кутубхонада агитаторлар учун халқаро аҳвол, юридик масалалар, социал таъминот ва бошқа соҳалар бўйича консультациялар ташкил қилинди.

Кутубхонада лекция пропагандасига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу ишга 100 га яқин лектор жалб қилинган. Сайловга тайёргарлик кампанияси бошланганидан бери агитаторлар учун Октябрь районидаги 111-ўрта мактабда «Олтинчи беш йилликда Ўзбекистон саноатининг ривожланиши», Ёғочсозлик заводи ва эгар-жабдуқ фабрикасида «Халқаро аҳвол тўғрисида» деган темаларда лекция ўқилди. Январь ойи ичида Октябрь, Фрунзе, Киров ва Ленин районларидаги сайловчилар учун «Ўзбекистон хотин-қизлари коммунизмнинг актив қурувчилари», «Турли системада бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашлари тўғрисида КПСС XX съезди», «Совет кишисининг маънавий қиёфаси», «СССРда техника прогресси», «Олтинчи беш йилликда Ўзбекистон саноатининг ривожланиши» каби темаларда 30 дан ортиқ лекция ўқилди.

Партия кутубхонасининг ходимлари муҳим сиёсий кампания — маҳаллий Советларга сайловни пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Пухта тайёргарлик чўрилмоқда

Октябрь районида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказадиган 4 та сайлов округига қарашли 8 та агитпунктнинг ҳаммасида сайловга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. 182-Эски-Қовунчи сайлов округига қарашли биринчи агитпункт коллективи сайлов олди агитация ишларини, айниқса, қизитиб юборди. Агитколлективда Ҳамза номли ўрта мактаб ўқитувчилари ва колхоз активларидан иборат 36 дан ортиқ агитатор бор. Агитпункт мудири ўртоқ А. Хўжаев сиёсий агитация ишларига яхши раҳбарлик қилаётир.

Агитпункт яхшилаб жиҳозланган. Бу ерда радиоприёмник бор, вақтли матбуотнинг янги сонлари ўз вақтида келиб туради. Совет демократияси ва сайлов системасига оид адабиётлардан агитаторлар кенг фойдаланмоқдалар. Агитпунктда маҳсус навбатчи консультант бўлиб, у сайловчиларни қизиқтирган саволларга ўз вақтида жавоб бериб туради.

А. ЖАЛОЛОВ.

Тошкент шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1956 йил IV квартал якунлари

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг бюроси ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети пойтахт саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1956 йил IV квартал якунларини кўриб чиқдилар. Саноат бўйича IV кварталга белгиланган план 105,9 процент бажарилди ва қўшимча равишда 88,9 миллион сўмлик маҳсулот берилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқлар ҳам ошириб бажарилди.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги техника ва илғор иш методларини жорий қилиш юзасидан бир қанча ишлар қилинди.

Темир йўл узели корхоналари анча тараққий этди. Темир йўл Тошкент бўлимида йиллик план 10 декабрдаёқ бажарилди. Планда белгиланганидан вагонлар обороти 8 процент тезлашди, транзит вагонларнинг графикдан ташқари тўхтаб қолиши 6 процент камайтирилди.

Бу ютуқлар билан бирга саноат, транспорт ва қурилиш соҳасида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Шаҳар бўйича IV кварталга белгиланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилган бўлса ҳам 37 корхона квартал топшириғини бажармади, йиллик планни эса 27 корхона бажара олмай қолди.

1956 йил IV кварталида Иттифоқ ва иттифоқ-республика аҳамиятига эга бўлган корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи ғолиб чиқди. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг шаҳар саноат корхоналари учун таъсис қилган кўчма Қизил байроғини «Узбексельмаш» заводидан Л. М. Каганович номли заводга олиб бериш тўғрисида қарор қилинди.

Қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги мусобақада «Главташкентстрой»нинг 224-УНР ташкилоти биринчиликни олди. Бу ташкилот IV квартал учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планини 163 процент, уй-жой қурилиши бўйича 142,8 процент қилиб бажарди. Меҳнат унумдорлиги 30,4 процент оширилди. 1956 йил мобайнида пландан ташқари 723 квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи яна шу 224-УНР нинг ўзида қолдирилди.

Шаҳар маҳаллий ва ҳунармандчилик кооператив саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақала республика Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли ремонт-механика заводи ғолиб чиқди. Бу завод коллективи маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича планни 120,7 процент қилиб бажарди. Кўчма Қизил байроқ бу заводга «Красный текстильщик» артелидан олиб берилади.

Куйбишев район саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Шунингдек, лак-бўёқ, электроламп, «Ташкенткабель», «Подъёмник», карборунд заводлари, 1-пойафзал ва канап фабрикалари, паровоз ва тепловоз деполари каби корхоналар яхши ишладилар.

Социалистик мусобақада ғолиб чиққан 50 та илғор корхона шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди. Юқори кўрсаткичларга эришган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлардан 104 киши шаҳар Ҳурмат дафтарига ёзилди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси ва шаҳар Совети ижроия комитети корхоналарда янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини янада юксалтириш корхонанинг бир меёрда ишлашини таъминлашга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия қилдилар. Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олиш ва 1957 йил планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юбориш тадбирларини белгилаб бердилар.

1957 йилги мажбуриятни шараф билан бажариш учун кўкламга пухта тайёрланайлик!

Суратда: агитатор Ўртоқ Н. Мастонов Оржоникидзе районидаги МТС механизаторларига Узбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари XII қурултойи қатнашчилари томонидан тасдиқланган 1957 йилги Мажбуриятни ўқиб бераётир. В. Салов фотоси.

☆ ☆ ☆

Мажбуриятни бажариш учун

Бизнинг колхозимиз аъзолари МТС механизаторларининг катта ёрдами билан кўп йиллардан буён пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб катта муваффақиятга эришдилар. 1956 йилда ҳам колхозимизда 450 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 42 центнердан пахта топширилди.

Мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари эса 51 гектар ернинг ҳар гектарида 45 центнердан пахта етиштирдилар. Бунинг учун ҳукуматимиз республикамиз илғор пахтакорлари қаторида менинг ва бригадамиз аъзоларининг меҳнатига ҳам юксак баҳо бердилар. Мен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлдим.

Юксак мукофот мени ва бутун бригадамиз аъзоларини янги вазифаларга ундайди. Бу вазифалар республикамиз қишлоқ хўжалик илғорларининг «Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 1957 йилги Мажбуриятлари»да аниқ ва равшан қилиб белгилаб берилган.

Бу йил областимизда камида 475 минг тонна пахта етиштирилиши керак. Бу вазифани бажариш учун биринчи галда ҳар бир колхоз ва совхозда, бригада ва звенода ҳосилни ошириш зарур. Бригадамиз аъзолари қурултойда қабул қилинган Мажбуриятни зўр қувонч билан кутиб олдилар ва уни чуқур муҳокама қилмоқдалар. Улар Мажбуриятни бажариш учун пахта ҳосилини янада ошириш, ҳар гектар ҳосилини камида 50 центнерга етказиш йўлларини қидирмоқдалар. Жумладан, кузда амалга оширилган тадбирлар таъсирини янада ошириш мақсадида қиш ва эрта баҳорда қилинадиган ишларнинг конкрет режасини тузиб шу кунларда тўнг жамғариш, ариқ зовурларни тозалаш ва бошқа ишларни кучайтириб юбордилар.

М. ЙУЛДОШЕВА,
Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Бўкаликлар жавоби

БЎКА (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). 1956 қишлоқ хўжалик йилини муваффақият билан якунлаган Бўка районининг пахтакорлари, механизаторлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари XII қурултойи қатнашчиларининг Мажбуриятига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Колхозлар, трактор бригадалари 1957 йил планини тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Хўжаликнинг ҳар бир тармоғини тезроқ ривожлантириш чоралари кўрилаётир.

— Колхозимиз аъзолари, — дейди Сталин номли колхознинг раиси Ўртоқ А. Файзиев, — фидокорона меҳнат қилиб ўтган йили пахта ҳосилини ҳар гектарига 8 центнердан кўпайтириб, давлатга 22 центнердан пахта топширдилар. Колхозчилар қурултой қатнашчиларининг Мажбуриятини муҳокама қилиб, бу йил гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Сталин номли колхоз аъзолари ваъдаларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Пахта ерлари ўғитланиб шудгор қилиб қўйилган. Ҳозир 150 тонна маҳаллий ўғит тайёрланди. Қишлоқ хўжалик асбоблари тез ва сифатли ремонт қилинаётир. Гектаридан 30 центнердан пахта бериш мажбуриятини олган Ўртоқ Ш. Даминов бошлиқ бригада аъзолари қишки тадбирларни айниқса муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Тимирязев номли колхоз аъзолари ҳам кўкламга тайёргарлик ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам пахтакорлар Мажбурияти муҳокама қилиниб, ҳосилни ошириш учун муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бўкаликлар жавоби

БЎКА (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). 1956 қишлоқ хўжалик йилини муваффақият билан якунлаган Бўка районининг пахтакорлари, механизаторлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари XII қурултойи қатнашчиларининг Мажбуриятига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Колхозлар, трактор бригадалари 1957 йил планини тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Хўжаликнинг ҳар бир тармоғини тезроқ ривожлантириш чоралари кўрилаётир.

— Колхозимиз аъзолари, — дейди Сталин номли колхознинг раиси Ўртоқ А. Файзиев, — фидокорона меҳнат қилиб ўтган йили пахта ҳосилини ҳар гектарига 8 центнердан кўпайтириб, давлатга 22 центнердан пахта топширдилар. Колхозчилар қурултой қатнашчиларининг Мажбуриятини муҳокама қилиб, бу йил гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Сталин номли колхоз аъзолари ваъдаларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Пахта ерлари ўғитланиб шудгор қилиб қўйилган. Ҳозир 150 тонна маҳаллий ўғит тайёрланди. Қишлоқ хўжалик асбоблари тез ва сифатли ремонт қилинаётир. Гектаридан 30 центнердан пахта бериш мажбуриятини олган Ўртоқ Ш. Даминов бошлиқ бригада аъзолари қишки тадбирларни айниқса муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Тимирязев номли колхоз аъзолари ҳам кўкламга тайёргарлик ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам пахтакорлар Мажбурияти муҳокама қилиниб, ҳосилни ошириш учун муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Пахтакорлар ҳосилни ошириш учун курашмоқдалар

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз бундан 3—4 йил илгари камҳосилли колхозлардан ҳисобланар эди. Пахтакорлар ана шу қолоқликдан чиқиш учун астойдил курашдилар. 1956 йилда 568 гектар ернинг ҳар гектаридан 29,5 центнердан пахта олинди, яъни давлатга 1955 йилдагига нисбатан 7 центнердан ошириб пахта топширилди.

Кеча мухбиримиз колхоз раиси Султон Раҳмонов билан телефон орқали гаплашди. Ўртоқ Раҳмонов барча колхозчилар Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи қатнашчилари томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 1957 йилги Мажбуриятлари»ни қизғин муҳокама қилаётганликларини айтиб берди.

— Шу кунларда колхозимизнинг ҳар бир аъзоси, — деди Ўртоқ Раҳмонов, — 1957 йилда ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштиришни таъминлаш учун кўклам экиш кампаниясига пухта тайёрланмоқда. Ҳозиргача далага 1800 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Давлат томонидан берилган минерал ўғитлар колхозга ташиб келтирилди. Шу кунларда барча транспорт воситалари далага гўнг чиқаришга сафарбар этилган.

Ўз зиммасига конкрет мажбурият олган Куйбишев номли колхоз аъзолари республикамиз бўйича 3 миллион, областимиз бўйича 475 минг тонна пахта етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Иўлдош Эргашев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси кўкламга тайёргарлик кўришда бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу бригаданинг янги усулда чигит экиладиган 77 гектар ери кузда сифатли шудгор қилиниб қўйилган. Бригада аъзолари гектарига 10—12 тоннадан мўлжаллаб маҳаллий ўғит тайёрламоқдалар. Ёш пахтакорлар 1957 йилда 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар.

— Биз кузда ҳамма еримизни тўла шудгор қила олмадик, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Раҳмонов, — ҳайдалмай қолган 100 гектарга яқин ерни февраль ойи ичи ҳайдаб қўямиз. МТС механизаторлари колхозимизда ишлайдиган ҳайдов ва чопиқ тракторларини ўз вақтида ремонтдан чиқариш учун курашмоқдалар.

Куйбишев номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу йил қанча гектар ерга қайси усул билан чигит экилишини аниқлади, бу соҳада ишлайдиган кишиларни ўқитиш-ўргатиш бошлаб юборилди. Бригада бошлиқлари район марказида ташкил қилинган семинарга қатнашиб, квадрат-уялаб чигит экишни пухта ўрганмоқдалар.

Куйбишев номли колхоз аъзоларидан 6 киши ўтган йилги ишлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Пахтакорлар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиламиз, деб айтмоқдалар.

Мирзачўлда янги совхозлар

МИРЗАЧЎЛ, (**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан**). Яқинда райондаги Молотов номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мирзачўлда янги совхозлар ташкил қилиш тўғрисидаги қарори муҳокама қилинди. Колхозчилар бу масалани қизғин маъқуллладилар. Улар совхоз хўжалиги ташкил қилиниши — Мирзачўл ерларини тезроқ ўзлаштириш ва бу ерлардан мўл ҳосил етиштиришда муҳим тадбирлардан бир оғиздан қўллаб-қувватланди.

Будённий номли, Энгельс номли, «Чорвадор» колхозларида бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам янги совхоз ташкил қилиш ҳақидаги тадбир бир оғиздан қўллаб-қувватланди.

Янги совхозга Мирзачўл номи берилиб, 22 минг гектар ер майдони ажратилди. Совхозда 4 бўлим ташкил этилди. Бўлимлар пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш ишлари билан шуғулланадилар.

Шунингдек, Верхне-волинск районининг Шўрўзак массивидаги Маленков номли, Энгельс номли, Калинин номли, Андреев номли, Жданов номли, «XX партсъезд», Ленин номли, Хрушчев номли колхозлар базасида ҳам йирик «Социализм», «Гулистон» совхозлари ташкил этилди. «Гулистон» совхозига Гулистон районидаги Пушкин номли колхоз ҳам қўшилди.

Янги совхозларда ишлашни сўраб ариза бераётган колхозчиларнинг сони кундан-кунга кўпаймоқда. Мирзачўл районидаги Молотов номли, Будённий номли қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг деярли ҳаммаси совхозда ишлашга ўтдилар.

«Мирзачўл» совхозининг Энгельс номли колхоз территориясида ташкил қилинган 1 бўлимида кўклам экишига тайёргарлик қучайтириб юборилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари XII қурултойи қатнашчилари тасдиқлаган Мажбурият бўлим ишчиларини фидокорона ишлашга руҳлантирди. Ишчилар янги ерлардан унумли фойдаланиб бу йил 1000 гектар ерга чигит экиш тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳозир бўлим ишчилари далага гўнг чиқариш, ирригация шохобчаларини тозалаш ишларини кучайтириб юбордилар.

Мирзачўлда ташкил қилинган янги совхозларга давлат томонидан моддий техника ёрдамлари берилмоқда. Совхозлар ва уларнинг бўлимлари тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланмоқда.

М. ҒОЗИЕВ.

Янгийўл тикув-пойафзал комбинатининг коллективи 1957 йил планини муддатидан олдин бажариш учун астойдил курашиб, йил бошидан бери ҳар ҳафтада пландан ташқари 300 жуфтдан пойафзал ишлаб чиқараётир. Суратда: смена топшириғини системали равишда бир ярим ҳиссадан бажариб келаётган илғор ишчи **Виктор Якунин** иш устида.

К. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги китоблар

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

К. МАРКС ва Ф. ЭНГЕЛЬС. — **«Дин тўғрисида»**, 324 бет, тиражи 20.000, баҳоси 7 сўм 5 тийин.

М. А. СУСЛОВ. — **«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги»** (Москва Советининг 1956 йил 6 ноябрдаги тантанали мажлисида қилинган доклад). 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 35 тийин.

ВЛАДИМИР МАЯКОВСКИЙ. **«Танланган асарлар»**, 414 бет, тиражи 25.000, баҳоси 11 сўм 55 тийин.

«Узбекистон ССР меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом», 32 бет, тиражи 125.000, баҳоси 30 тийин.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР. — **«Танланган асарлар»** (Уч томлик китобнинг III-томи Қўшчинор чироғлари). 267 бет, тиражи 45.000, баҳоси 6 сўм 50 тийин.

ГОВАРД ФАСТ. — **«Сакко ва Ванцеттининг жасорати»** (повесть, Янги Англия афсонаси), 196 бет, тиражи 15.000, баҳоси 7 сўм 30 тийин.

АВАЗ ЎТАР. — **«Танланган асарлар»**, 318 бет, тиражи 25.000, баҳоси 6 сўм 90 тийин.

И. РЕДЬКО. — **«Ҳиндистон республикаси»**, 96 бет, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 45 тийин.

АЛИШЕР НАВОИЙ. — **«Фарҳод ва Ширин»**. 718 бет, тиражи 50.000, баҳоси 13 сўм 35 тийин.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ. — **«Танланган адабий-танқидий мақолалар»**, 452 бет, тиражи 15.000, баҳоси 8 сўм 45 тийин.

СЕРГЕЙ БОРОДИН. — **«Самарқанд осмонида юлдузлар»**, трилогия, биринчи китоб, Темурланг (роман), 500 бет, тиражи 60.000, баҳоси 11 сўм 20 тийин.

«СЕРБ ҲИКОЯЛАРИ», 42 бет, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 15 тийин.

Маҳаллий газеталар саҳифаларидан

МИЛЛИОНЕР БРИГАДАЛАР

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириб, давлат пахта тайёрлаш планини бажарди. Колхознинг илғор бригада аъзолари мўл ҳосилдан катта даромад олдилар.

Колхознинг ана шу катта даромад олган илғор бригада аъзолари ҳақида Ўзбекистон КП Янгийўл район комитети, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг органи — **«Янгийўл»** газетаси саҳифасида хабарлар босилган.

Газетанинг яқиндаги бир сонида босилган «Ҳамма бригадалар миллионер» сарлавҳали хабарда бундай деб ёзилган: **«Қўчқор Абдусатторов бошлиқ биринчи бригада 119,5 гектар ердан давлатга топширилган 409 тонна пахтаси учун 1,5 миллион сўмга яқин пул олди.**

Исмоил Иноғомов бошлиқ 5-бригада 87 гектар ерда пахта етиштирди. Бригада гектаридан 40 центнердан пахта топшириб, колхоз бўйича рекорд ҳосил олди. Даромади бир миллион 303 минг сўмга етди».

Шу колхознинг аъзоси **«Ўртоқ Иноғомовнинг оиласидаги,** — деб ёзади газета, — **4 киши 11 ой ичида 1789 меҳнат куни ишлаб, 36 минг сўм пул ва 5 тонна ғалла олди».**

УЗАЙТИРИЛГАН КУН ГРУППАСИ

Москва, Ленинград ва Совет Иттифоқининг бошқа кўпгина шаҳарларидаги мактабларда, ишчи клубларида, маданият саройлари ҳузурида узайтирилган кун группалари ташкил қилинган. Бу группалар мактаб ўқувчиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, фан асосларини пухта ўзлаштиришда катта роль ўйнаётирлар.

Москвалик ва ленинградликларнинг ана шу ташаббусидан намуна олган Оҳангарон кўмирчилар касаба союзи район комитети, шунингдек шаҳар мактабларининг педагогик коллективлари ва жамоатчилик бу соҳада бирмунча ишларни қилаётирлар. Ҳозир шаҳардаги кўпгина мактаб ва клубларда ташкил этилган бундай группаларга 150 ўқувчи тортилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Оҳангарон шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг органи — **«Ўзбекистон шахтёри»** газетасида «Узайтирилган кун группаси» сарлавҳали мақола берилган.

«Иккинчи синф ўқувчиси Копиловнинг — деб ёзади газета, — **фақат онаси бор, у ҳам бўлса бутун кундуз куни давомида ишлаб чиқаришда меҳнат қилади. Бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган, унга уйда тузукроқ қарайдиган ҳеч ким йўқ. У, мантабга ғир ҳолатда, дарс тайёрламасдан келади, айрим кунлари ўқишга келмайди ҳам».** Мақолада, узайтирилган кун группаси бундай болаларни тарбиялашга яқиндан ёрдам бермоқда, дейилади.

Болалар мактабда машғулотлар тугагач ўзлари учун клубда айрим ажратиб қўйилган хонага келадилар, бу ерда иссиқ овқат ейдилар, сўнгра дарс тайёрлайдилар, турли ўйинлар, қизиқ темаларда суҳбатлар ташкил этадилар. Ота-оналар кечқурун ишдан қайтгач болалар ҳам уйларига кетадилар.

Оҳангарон шаҳрида узайтирилган кун группаларида тарбияланаётган ўқувчиларнинг интизомида, ўқишида кескин ўзгариш бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги дарслардан яхши баҳо олмоқдалар. Бундай группалар шаҳардаги 1, 2, 4 ва 7-мактабларда ҳам ишламоқда. Бу группаларга махсус педагоглар биркитиб қўйилган.

МИРЗАЧЎЛ ШАҲРИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Мирзачўл жуда гавжум шаҳар бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан кўрсатаётган ёрдамлари туфайли шаҳарда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Шаҳар кейинги йиллар ичида айниқса тез ривожлана бошлади. Пахта тозалаш, машина-ремонт заводлари, машина-экскаватор, йўл қурилиши станцияларининг корхоналари кенгайтирилди. Ғишт заводи қуриб битказилди.

«Колхоз меҳнати» газетаси шаҳардаги янгиликлар ҳақида тез-тез материаллар босиб турипти. Газетаяқинда шаҳар ижроия комитетининг раиси Ўртоқ А. Камолитдиновнинг шаҳар ободончилигига бағишланган мақоласини босиб чиқарди. Унда шаҳардаги муҳим ўзгаришлар ва шаҳарнинг келажаги ҳақида қуйидагилар ёзилган:

«Ҳозир шаҳарнинг сатҳи кенгайиб, янги-янги кварталлар қурилмоқда. Яқинда 1-қурилиш-монтаж бешқармасининг ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимлари учун 1624 квадрат-метр уй-жой бинолари қурилди... Шаҳарда водопровод қурилиши ҳам тез суръатлар билан олиб борилаётир».

«1957 йилда, — дейилади мақолада, — **шаҳарни тўлиқ электрлаштириш тугалланади. Янги ўрта мактаб, 100 ўринли боғча-ясли, аптека, меҳмонхона, 50 койкали туғруқхона қурилади, касалхона эса 150 койкага кенгайтирилади. Водопровод эса яна 5 километрга узайтирилади».**

Заводда лекторлар группаси

Яқинда Л. М. Каганович номли Тошкент паровоз-вагон ремонт заводи партия маорифи уйи ҳузурида 30 кишилик лекторлар группаси ташкил этилди. Лекторлар группасига завод бош технология бўлимининг инженери Ўртоқ Н. Юсупов раҳбарлик қилаётир.

Группа лекторлари цех ва участкаларда, ишчиларнинг ётоқхоналарида ҳар хил темаларда лекциялар ўқимоқдалар. Завод партия комитетининг секретари Е. Гацкевич, бош технология бўлимининг инженери П. Широкий ва бошқа Ўртоқлар жойларда бир неча лекция ўтказдилар. Шу кунларда лекторлар цех ва ишчилар ётоқхоналарида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари, халқаро аҳвол, маҳаллий Советлар сайловига доир темаларда лекция ва докладлар ўтказаётирлар.

Ж. МАҲМУДОВ.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Сталин номли колхоз кишилари

ОЧЕРК

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан танишганингизда, бу ютуқларнинг сири нимада, пахтадан бу қадар юқори ҳосил олишнинг йўллари қандай экан, деган савол туғилади. Республика Ҳурмат тахтасида Сталин номли колхоз энг илғор колхозлар қаторидан жой олган. Бу колхоз 690 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42,2 центнердан «оқ олтин» етиштирган.

Аслини олганда, бу ерда ҳеч қанақа «сир» йўқ. Колхозга келган ҳар бир киши бу ажойиб натижаларнинг сабаби меҳнатни яхши ташкил қилишда, сиёсий-тарбиявий ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигида, оддий колхозчидан тортиб бригадир, ҳатто колхоз раисигача ҳамманинг ишчанлигида, уларнинг юксак фазилатларга эга бўлганлигидадир деган фикрга келади. Колхоз правлениесининг раиси Назрулла Маннонов ва унинг ўринбосари ҳамда партия ташкилотининг секретари Исматулла Ойтўраев Ўртоқларнинг қишлоқ хўжалик артели фаолиятига тўғри раҳбарлик қила олганликлари ҳам ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда катта роль ўйнади.

Кўзга ташланган дастлабки нарса — хўжаликдаги ишларнинг илмий асосларга таяниб олиб борилаётганлигидир. Колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Назрулла Манноновнинг столида И. В. Мичуриннинг «Принциплар ва методлар», В. Р. Вильямснинг «Асарлар тўплами» ва бошқа китоблар, чиройлик қилиб безатилган фото-альбомда артель аъзоларининг ишларини тасвирловчи суратлар кўп. Айниқса, оддий меҳнат кишиларининг сантиметрларни, секундларни, микроскоп лабораториялари маълумотларини жуда ҳам қадрлаётганликлари яққол акс этган. Ана шу нарсалар ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилни оширишда, ҳар биф ишни ўз вақтида бажаришда, центнерлар сонини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Колхоз раиси кабинети деворида эҳтиётлик билан чизилган «Суғориладиган участкаларни йириклаштириш ва суғориш тармоқларини қайта қуриш схемаси» осиб қўйилган. Столдаги ойна тегида эса беданинг илдиз системасини акс эттирувчи экспонат, шкафда — тажриба учун олинган бир туп ғўза. Бу ердаги биронта ҳам иш хўжа кўрсинга қилинмайди. «Ортиқча еримиз йўқ, ҳар бир метр ер ўзида бор ҳамма нарсасини бериши керак», дейишади колхоз аъзолари. Ҳар бир колхозчи ердан мумкин қадар кўпроқ ҳосил олиш тўғрисида, ерни парвариш қилиш ҳақида ўйлайди.

Биз колхозга борганимизда раис йўқ эди. У, Совет Иттифоқи делегацияси составида Ҳиндистонга кетган экан. Унинг ўринбосари Исматулла Ойтўраев суҳбат вақтида Назрулла Маннановнинг ажойиб бир фазилати ҳақида гапириб берди. Раис коллективни жипслаштиришга, одамларнинг ичига кириб кетишга, кўнгилдагини билиб олишга жуда моҳир экан. Агар артель аъзолари сермаҳсул методлар асосида ишлашга қаттиқ бел боғлашлари керак бўлса, раис ана шу янги метод моҳиятига ҳамма колхозчиларнинг тушуниб етмагунларича хотиржам бўлмайди. Парторг яқинда раис Маннановга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлигини қувонч билан сўзлайди.

Артель хўжалиги кўп тармоқли. Бунда пахтачиликдан ташқари узумчилик, полизчилик ва сабзавочилик билан ҳам шуғулланилади. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш, ҳосилни ошириш учун ҳар бир ишчи, ҳар бир колхозчи ҳаракатчан бўлиши, ҳеч ким ишсиз ўтирмаслиги, ҳеч ким ўйнаб-кулиб ишлаб, ишдан ҳеч ким ҳеч нарсани ўрганмасдан, ишсиз ўтирмасдан, ишлаб ишлаб ишлаб



Суратда: Станиславский номидаги қорақалпоқ театри постановка қилган А. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас» комедиясидан бир кўриниш. Ролларда: Гордей Карпович—Қорақалпоғистон АССР халқ артисти **Нўлдош Шарипов** (ўнгдан); унинг қизи Любовь Гордеева — артистка **Саодат Юсупова**; Африкан Саввич Коршунов — Қорақалпоғистон АССР халқ артисти **Раимбой Сеитов**; Гордей Карповичнинг хотини Пелагея Егоровна — артистка **Соня Қорабоева.**

Н. Медведев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти декадаси

Қорақалпоғистон санъати ва адабиётининг биринчи декадаси очилганидан буён беш кун ўтди, лекин Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг қорақалпоқ артистлари, мусиқачилари, халқ ашулачилари, шоирлари ва ёзувчиларининг чиқишларига бўлган қизиқишлари сира камаймаётир. Тошкентда декада қатнашчилари чиқаётган театрларда ва концерт залларида «Бугунги томошалар учун ҳам билетлар сотилиб бўлди!» деган эълонлар оддий воқиа бўлиб қолди.

27 январда Свердлов номли концерт залида рақсчи, ашулачи, мусиқачиларнинг иккинчи концерти бўлди.

Томошабинлар дирижёр А. Султонов бошчилигида «Қора жорга» ва «Боғбон қиз» деган қорақалпоқ халқ мелодиясини ижро этган реконструкция қилинган халқ чолғу асбоблари оркестри коллективини, қорақалпоқ ва туркман терма ва рақслари билан чиққан ажойиб дапарчилар ансамблини, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Ж. Шомуротов бошчилик қилган дуторчилар ансамблини қизғин олқишладилар.

Томошабинлар халқ рақсларини ижро этган З. Сапаровани, П. Маткаримовани, У. Одлоберганованн, О. Собировани, С. Ажиевани, қорақалпоқ халқининг ҳаётидан олинган хореографик лавҳаларни кўрсатган, шунингдек рус ёшларининг рақсини ижро этган йигит ва қизлар рақс ансамблини давомли қарсаклар билан табрикладилар.

Концерт программасида халқ ашулалари ва вокал асарларига катта ўрин берилган эди. Уларни Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти О. Шомуротова, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Матёқубова, артистлардан С. Олломуротов, Ғ. Тлеумуротов, Р. Қобулов, С. Абдуллаев ва Қорақалпоғистон давлат филармониясининг бошқа солистлари ижро этдилар.

Станиславский номли Қорақалпоғистон давлат театрининг коллективи якшанба куни Ҳамза номли театрда томоша берди. Бу ерда рус драматургиясининг классиги Н. А. Островскийнинг ёзувчи К. Ойимбетов томонидан қорақалпоқ тилига таржима қилинган «Камбағаллик айб эмас» деган пьесаси қўйилди. Постановканинг режиссёри Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Ю. Шариповдир. Асосий ролларни автоном республика халқ артистлари Ю. Шарипов, Р. Сеитов, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР да хизмат кўрсатган артист С. Хўжаниёзов, артистлардан М. Матчанов, С. Юсупова ва бошқалар ижро этдилар.

28 январда Станиславский номли театрнинг артистлари репертуардаги энг яхши пъесалардан бири бўлган «Ошиқ Ғариб» лирик музикали драмасини иккинчи марта ижро этдилар.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи шу кунларда айниқса говжум. Бу ерда ўзбек ёзувчуси Абдулла Қаҳҳор бошчилигида проза секцияси ишлади. Тошкент адабиётчилари ва декада меҳмонлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Қорақалпоғистон экономика ва маданият институтининг илмий ходими, филология фанлари кандидати М. Нурмухаммедовнинг «Қорақалпоқ совет прозасининг ривожланиш йўллари» деган докладни эшитдилар. Сўнгра қорақалпоқ ёзувчилари Т. Нажимов, Х. Сеитов, Ж. Ташенов, Ж. Оймирзаев, Н. Давқороев, К. Султонов, А. Шомуротов, А. Бегимов ва бошқа адабиётчилар томонидан яратилган повесть ва ҳикоялар муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон рассомлари тошкентлик наққошлар, графиклар, ҳайкалтарошларнинг ижодлари билан танишмоқдалар. Улар мастер-койларга бормоқдалар, ўзбек рассомларининг Совет давлатининг қирқ йиллигига бағишланган ҳисобот виставкаси учун тайёрлаётган эскиз ва картиналарни кўрмоқдалар.

Декада қатнашчилари шаҳардаги тўқимачилар ва машинасозлар билан учрашдилар. Тошкент телевизион марказининг студияси орқали қорақалпоқ шоир ва ёзувчиларининг болалар учун яратилган асарларини эшитдириш ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти декадаси давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ТОМОШАБИН ТААССУРОТИ

Юксак ўзбек санъатининг ёрқин намойиши

Биз, москваликлар, ўзбек халқининг бой маданият ва ажойиб санъат яратганлигини билар эдик. Мен яқинда Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини Москвада кўришга муяссар бўлдим.

Бу спектакль менда жуда чуқур ва асло унутилмас таассуротлар қолдирди.

Дастлабки минутлардан қ менинг спектаклга бўлган қизиқишим ортаборди. Чунки саҳнада катта воқиалар зўр ҳаққоний билан, катта бадиий маҳорат билан талқин қилинаётган эди. Бу спектаклда кўтарилган ижтимоий ҳаёт проблемалари кишн диққатини беихтиёр ўзига жалб этади. Унда асрлар бўйи ҳуқуқлари поймол этилиб, раҳмсиз золимлар томонидан эзилиб келган ҳинд аёлларининг қисмати жуда ҳаққоний кўрсатилган. Оддий ҳинд қизи Комоланинг тақдири Улуғ Октябрь социалистик революциясигача эзилиб келган ўзбек аёлларининг тақдирига жуда ўхшаб кетарди. Шунинг учун ҳам Комола ролини ўйнаган талантли актриса И. Алиева бу образнинг ҳаққоний бўлиб чиқишига, ҳинд қизининг ички дунёсини, ажойиб фазилатларини зўр бадиий маҳорат билан очиб беришга эришаолган. Спектаклда иштирок этувчи артистларнинг ҳаммаси ўзларининг саҳна санъатини эгаллаган катта маҳорат эгаси эканликларини намойиш қилдилар.

Москваликлар ўзбек саҳна усталарининг улуғ совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашдек шарафли ишга қўшган бу ҳиссаларига юксак баҳо бермоқдалар. Ўзбек драма театрининг сўнгги спектакли москваликлар билан ўзбек артистлари ўртасидаги дўстликнинг чинакам порлоқ намойишига айланди. Биз томошабинлар, спектакль тамом бўлгандан сўнг анча вақтгача қардош ўзбек артистларидан ажралишни истамас, уларни янги-янги гулдурос овациялар билан табриклар, январь бўлишига қарамасдан очилиб турган гуллардан катта-катта гулдасталар билан қутлар эдик.

Мен кўп москваликлар билан биргаликда телевизор орқали ўзбекистонлик театр ижодий коллективининг Актёрлар уйидан олиб берилган ижодий кечасини ҳам катта қизиқиш билан томоша қилдим.

Москваликлар Ҳамза номли ўзбек драма театри артистларига чин қалбдан ташаккур айтиш билан бирга бу театр ижодий коллективи томонидан яратилган янги-янги ажойиб спектакларни Ватанимиз пойтахтида яна ва яна кўришни орзу қиладилар.

Л. АПАРНИКОВ,
ўқитувчи.
Москва шаҳри.

«БИЗ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖУДА ҚАТТА ЮТУҚЛАРИГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИК»

Тўқимачилик саноати ва енгил саноат ходимлари касаба союзи Марказий комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлаётган Италия тўқимачилик саноати ишчи ва хизматчилари федерациясининг федерация ижроия комитети аъзоси Эрколе Одзино бошчилигидаги делегацияси Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан қизиқдилар. Улар Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг турмуш шароити ва меҳнат шароити билан танишишга алоҳида эътибор бердилар.

Делегация аъзолари ЎзТАГ мухбирига ўз таассуротларини айтиб бердилар.

— Ўзбекистонда биз роят саминий ва хурсандчилик билан кутиб олиндик. Биз ўтмишда қолоқ бўлган ўзбек халқининг Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган жуда катта ютуқларига қойил қолдик, — деди делегация бошлиги Эрколе Одзино.

Тўқимачилик комбинатини бориб кўриш бизда катта қизиқиш туғдирди, — деди сўнгра у. — Бу корхона ишчиларга юксак меҳнат унумдорлигига эришиш имкониятини берадиган энг янги техника билан таъминланган. Комбинат раҳбарлари билан ишчилар ўртасидаги ўзаро яхши муносабатлар бизга жуда ёқди. Ҳамма ишчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Уларнинг ишлаши учун жуда яхши шароит яратиб берилган. Тўқимачиларнинг болаларига зўр эътибор берилаётганлиги бизда айниқса катта таассурот қолдирди.

Монц шаҳридаги тўқимачилик фабрикасининг ишчиси Эрвиже Виллагуца бундай деди:

— Ўзбекистон хотин-қиз ишчилари билан танишганимдан кейин мен хотин-қизларда нақадар катта куч борлигини, уларнинг қандай ишларга қодир эканлигини англадим. Кўпгина совет хотин-қизлари раҳбарлик вазифаларида ишлаб турибдилар. Менинг ватандошларим эса буни фақат орзу қилишлари мумкин.

Эрколе Одзино делегациянинг ҳамма аъзолари номидан Ўзбекистон тўқимачиларига ва бутун ўзбек халқига қизғин салом топширди. (ЎзТАГ).

КИТОБ ПОЧТА ОРҚАЛИ ЮБОРИЛМОҚДА

«Узглавкниготорг»га қарашли китобларни почта орқали юбориш бўлимининг жонажон Ватанимизнинг турли республика, область, шаҳар ва қишлоқларида яшаб турган меҳнаткашлар билан алоқаси йил сайин мустаҳкамланиб бораётир.

Бўлимга меҳнаткашлардан Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан турли темалардаги китобларни юборишини илтимос қилган хатлар кетма-кет келиб турипти. Бўлим ходимлари ўтган йили заказчиларга бадиий адабиёт, қишлоқ хўжалиги ва медицинага доир китоблардан мингларча сўмлик юборган эдилар. Маданий хизматнинг яхшиланиши туфайли заказчиларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Шу йилнинг фақат 16 куни ичида бўлимга Москва, Ленинград, Тбилиси, Запорожье, Сталинобод, Донбасс каби кўпгина шаҳарларда истиқомат қилувчи меҳнаткашлардан 1100 та заказ келди. Бўлим ходимлари уларнинг талабларини ўз вақтида қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

ҲИНД КИНОФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Совет кишилари дўстона ҳинд халқининг санъати ва маданиятига зўр қизиқиш билан қарайдилар. Ҳинд фильмлари совет томошабинлари орасида айниқса катта эътибор қозонган. Тошкентдаги «Ёш гвардия» кинотеатрида Ҳиндистоннинг республика деб эълон қилинган кунига 7 йил тўлиши муносабати билан ҳинд кинофильмлари фестивали ташкил қилинди. Томошабинларга «Дайи», «Бомбей қизи», «Жаноб 420», «Ворис», «Ганга», «Мунна», «Икки бигха ер» каби кинофильмлар кўрсатилади. Кинофильмлар кўрсатилиши олдидан фильмлар тўғрисида суҳбатлар, Ҳиндистон республикаси ҳақида лекциялар ўтказилаётир.

—⊙—

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссияси Тошкент область ижроия комитети (Навоий кўчаси, 69-уй) биносига жойлашган. Биринчи подъезд, биринчи қават, 3-хона. Телефон номерлари: 5-22, 38094, область ижроия комитети коммутатори: 30256, 30251, 30252, 30253, қўшимча 1-53.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси шаҳар ижроия комитетининг биносига жойлашган (Сталин кўчасидаги 29 уй). Телефон номерлари 3-37, 36-536. Шаҳар сайлов комиссияси эрталаб соат 9 дан кеч соат 10 гача ишлайди.

Ҳиндистонда республика кунининг байрам қилиниши

ДЕҲЛИ, 26 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистонда катта миллий байрам—республика куни ўтказилди. Бундан етти йил муқаддам худди шу куни, яъни 1950 йил 26 январда Ҳиндистон суверен республика деб эълон қилинган эди.

Бугун Деҳлида традицион парад бўлди. Парадни Ҳиндистон президенти Ражендра Прасад қабул қилди. Парадда бош министр Неру, вице-президент Радхакришнан, ҳукумат министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, шунингдек унинг ҳамроҳлари бўлган совет генераллари ва офицерлари парадда фахрий меҳмон сифатида ҳозир бўлдилар.

Деҳли аҳолисидан ўн минглаб кишилар тўпланган Ражпатх хиёбонидаги трибуналар олдидан пиёда ва отлиқ қўшинларнинг бўлинмалари, танк ва артиллерия қисмлари, ҳарбий-денгиз флоти ва авиация отрядлари саф тортиб ўтдилар.

Ҳарбий парддан кейин тантанали намойиш бошланди. Бу намойишда Ҳиндистоннинг айрим штатларини кўрсатувчи ва байрам тусида безатилган аравалар, Деҳли мактабларининг ўқувчилари, мамлакатнинг турли районларидан келган халқ рақси коллективлари, Деҳли штати ишчи ва деҳқонларининг вакиллари қатнашдилар. Пировардида авиация паради бўлди.

Бомбайда, Калькуттада, Мадорасда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳарбий парадлар ва байрам намойишлари бўлди.

Байрам арафасида президент Прасад ватандошларга радио орқали мурожаат қилиб, уларни байрам билан табриклади.

Бугун ҳамма газеталар байрамга бағишланган катта иловалар чиқардилар. Газеталарга қўшиб чиқарилган бу иловаларда Ҳиндистоннинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳаларидаги муваффақиятлари тўғрисида жуда кўп материаллар босилган.

Кеқурун шаҳарларнинг кўчалари байрамга аталган ранг-баранг чироқлар билан ёритилди.

Маршал Г. К. Жуковнинг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 27 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг Ҳиндистонга визити Ҳиндистон-Совет дўстлиги тобора мустаҳкамланаётган вазиятда ўтмоқда. Ҳиндистон пойтахтининг жамоатчилиги ва ҳинд матбуоти Маршал Г. К. Жуковнинг Ҳиндистонда бўлишига катта эътибор бермоқда.

Республика Куни муносабати билан кеча ўтказилган байрам халқ хурсандчилиги вазиятида ўтиб, деҳлиликларнинг ҳамда байрамда қатнашиш учун атрофдаги қишлоқлардан махсус суратда келган аҳолининг оммавий сайили билан тугади. Рамлила майдонида жуда катта мушакбозлик бўлди. Миллий тантаналар бугун давом этади.

27 январь эрталаб Г. К. Жуков ҳарбий-спорт ташкилотларининг ҳар йил ўтказиладиган традицион слетида қатнашди. Слет Деҳлидаги стадионда ўтказилди. Слетда раислик қилган бош министр Неру маршал Г. К. Жуковни самимий таблиқлади.

Бу ташкилотларнинг турли округлардан вакил бўлиб келган бўлинмалари паради бўлди. Ҳиндистонда кадет корпуси деб аталадиган ёшдар ҳарбий-спорт ташкилотлари Ҳиндистон мустақил бўлиб қолганидан кейин тузилган. Бу ташкилотларнинг вазифаси — ҳинд ёшларининг жисмоний чиниқишига ёрдам бериш, уларни ватан олдидаги граждандик бурчини сезиш руҳида, ватанга садоқат ва уни империалистларнинг ҳамласидан ҳимоя қилишга ватанпарварлик билан тайёр туриш руҳида тарбиялашдан иборат. Кадетлардан энг яхшилари улардан офицер кадрлари тайёрлаш учун танлаб олинади.

Маршал Г. К. Жуков парадни ва ёшларнинг гимнастика машқларини маъқуллади.

Шундан кейин авиа моделчиларнинг намунали чиқишлари бўлди ва ўрнак кўрсатган бўлинмаларга мукофотлар топширилди.

Слетнинг охирида Жавоҳарлал Неру нутқ сўзлади. У ёшларни мамлакат олдидаги ўз бурчларини адо этиш учун ўқишга даъват этди. «Мамлакат, — деди у, — халқ демакдир, сизлар, ёшлар эса — халқнинг бир қисмисиз. Мамлакатимизда кўп штатлар — Бенгалия, Мадорас, Кашмир ва бошқа штатлар бор. Уларда ҳар хил миллатлар, турли кишилар яшайди. Лекин уларнинг ҳаммасида бир умумий хусусият бор, у ҳам бўлса улар ягона Ҳиндистон Иттифоқининг бир қисмидирлар».

Слет тугагандан кейин Маршал Г. К. Жуков шаҳар билан танишишни давом эттириб, президент паркига келади. Бу ерда унга, ҳурматли меҳмон сифатида, Ҳиндистон президентига қарашли филга миниб юришни таклиф этадилар. Маршал Жуков эгарга минади. «Мен кекса чавандозман», — дейди у жилмайиб. Ҳинд солдатлари маршални табриклайдилар. «Салом!» дейди уларга Маршал. «Салом!» — деб жавоб берадилар солдатлар. — «Ҳиндлар билан руслар биродардирлар», «руслар билан ҳиндлар биродардирлар», — дейди маршал.

Тушдан кейин Г. К. Жуков Деҳлидаги миллий стадионда ҳинд халқ рақси байрамида ҳозир бўлди. Совет меҳмони стадионда гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади. Г. К. Жуковга бош министр Неру ёнида фахрий ўрин ажратилади.

Байрам бошланади. Стадион ёрқин қуёш нурларига чўмилган. Турли штатлардан келган ва рангбаранг миллий кийимлар кийган рақс группалари халқ мелодияларининг садолари остида икки-учтадан рақс ижро этадилар. Ҳамма халқ рақслари сингари ҳинд рақслари ҳам халқнинг меҳнат фаолиятини, унинг ҳарбий зафарларини, оддий кишиларнинг орзу-тилакларини ифода этади.

Маршал Жуков Ҳиндистоннинг халқ рақсларини қизиқиб томоша қилади. Бош министр Неру унга изоҳ бериб ўтиради. «Бу хил байрамларни ўтказиш жуда фойдали, — дейди маршал Жуков Неругa. — Бу байрамлар мамлакатда яшовчи турли миллатдаги кишиларни бир-бири билан яқинлаштиради» Маршал баъзи ҳинд рақслари Кавказдаги ва совет Ўрта Осиёсидаги халқларнинг рақсларига жуда ўхшаганлигини айтади.

Бугун кечқурун Маршал Г. К. Жуков ва унга ҳамроҳ бўлган совет генераллари ҳамда офицерлари махсус поезд билан Дехра-Дунга жўнаб кетдилар. Г. К. Жуков Деҳра-Дунда ҳарбий коллежни ҳамда гурхларнинг 58-машқ марказини бориб кўради.

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРИ

ДЕҲЛИ, 28 январь. (ТАСС). Ҳиндистон илмий конгрессининг сессиясида қатнашиш учун келган совет олимлари делегациясининг бошлиги СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. Н. Несмеянов кеча қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ҳиндистоннинг кўзга кўринган олимлари, шу жумладан доктор Баба, доктор Кришнан, профессор Махаланобио ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида совет олимлари делегациясининг аъзолари Н. Н. Боголюбов, А. А. Дородницин, академиянинг корреспондент-аъзоси Н. М. Сисакян, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев ва СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков ҳам ҳозир бўлдилар.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙМИНИНГ ПАРТИЯВИЙ ВА СОЦИАЛ СОСТАВИ

ВАРШАВА, 27 январь. (ТАСС). Бугун газеталар Польша Халқ Республикаси янги сеймининг партиявий ва социал состави тўғрисидаги маълумотларни босиб чиқардилар. Маълумки, сеймга халқ бирлиги фронтидан 458 депутат сайланган. Янги депутатлар орасида 237 киши, ёки 51,7 процента Польша Бирлашган ишчи партиясининг аъзолари, 119 киши, ёки 26 процента Бирлашган деҳқонлар партиясининг аъзолари, 39 киши, ёки 8,5 процента Демократик партия аъзолари, 63 киши, ёки 13,8 процента партиясизлардир, улардан 12 депутат-католик арбоблардир. Сеймга хотин-қизлардан 19 киши сайланган.

Янги сейм составига ишчилардан 71 киши, шу жумладан металлистлардан 15 киши, кончилардан 14 киши, тўқимачилардан 7 киши, темир йўлчилардан 4 киши, қурувчилардан 5 киши, инженер ва техниклардан 58 киши, агроном ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларидан 26 киши, олимлардан 15 киши, ёзувчи ва публицистлардан 29 киши, врачлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчи бошқа ходимлардан 15 киши, ўқитувчилардан 57 киши, экономистлардан 18 киши, юристлардан 38 киши, ҳунармандлардан 5 киши сайланган. Сейм депутатларидан 210 киши олий ва тўлиқсиз олий маълумотга, 155 депутат ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумотга эга.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЭРОНДА БЎЛИШИ

ТЕҲРОН, 27 январь. (ТАСС). Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий 26 январда СССР Олий Совети делегациясини қабул қилди. СССР Олий Совети делегацияси аъзоларининг шоҳ билан суҳбати эркин вазиятда ўтди ва бир соатча давом этди. Суҳбат вақтида Эрон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли масалалар, жумладан ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий алоқаларни ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Муҳаммад Ризо Паҳлавий айтдики, СССР парламент делегациясининг Эронга келиши ва бошқа делегацияларнинг бир-бирларига бориб туришлари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда шубҳасиз катта роль ўйнайди, Эронда ободончилик программасининг амалга оширилиши, жумладан, Тавризгача темир йўл қурилишининг тамомланиши ҳар иккала мамлакат ўртасидаги масофани қисқартиради ва савдо муносабатларини кенгайтиришга ёрдам беради.

СССР Олий Совети делегацияси аъзоларининг Эрон шоҳи билан суҳбатида СССРнинг Эрондаги элчиси Н. М. Пегов қатнашди.

* * *

СССР Олий Советининг делегацияси Эрон шоҳи билан учрашганидан кейин Кережга (Теҳрон яқинида аҳоли яшайдиган пункт) борди ва бу ерда давлат марказий тажрибачорвачилик фермасини ва Рази номли марказий давлат биология станциясини томоша қилди.

Эрон қишлоқ хўжалик министри Носирий тажриба чорвачилик фермасида СССР Олий Совети делегациясини кутиб олди ва ўзининг табрик сўзида СССР Олий Совети делегациясининг Эрондаги қишлоқ хўжалик муассасаларига келганлигидан роят мамнун эканлигини билдирди.

Биология станциясининг директори доктор Рафии СССР Олий Совети делегацияси шарафига зиёфат берди. Зиёфат вақтида делегация аъзоси А. М. Школьников Эрон халқининг ва мансабдор кишиларнинг делегацияни самимий кутиб олганликлари учун ташаккур изҳор қилди. А. М. Школьников бир-бири билан қўшни бўлган Совет Иттифоқи ва Эрон ўртасидаги дўстлик шарафига қадаҳ кўтарди ва Эрон шоҳаншоҳи ҳазрат олийларининг сиҳатсаломат бўлишини тилади.

Биология станциясининг директори Рафии ўзининг жавоб нутқида СССР Олий Совети делегациясининг биология станциясига келганлиги менинг учун катта шарафдир деди ва самимий дўстона туйғуларни изҳор қилганлиги учун делегацияга ташаккур билдирди. Рафии Совет Иттифоқи раҳбарларининг, совет парламент делегацияси аъзоларининг соғлиғига, Эрон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги абадий мустаҳкам дўстлик шарафига қадаҳ кўтарди.

СССР Олий Совети делегациясининг аъзолари 26 январда кечқурун Теҳрон филармонияси залида берилган концертда ҳозир бўлдилар. Теҳрон артистлари концерт қўйиб бердилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш иккинчи давлат заёми

19-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заёмнинг бу тиражи 1957 йил 20 январда Сталинобод шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
020078	1—50	500	025235	24*)	1.000	029646	1—50	200	033431	1—50	200	036245	1—50	500
020103	29*)	1.000	025238	34*)	1.000	029839	22*)	1.000	033487	49*)	1.000	036301	01*)	1.000
020120	1—50	200	025442	13*)	1.000	029913	07*)	1.000	033513	11*)	1.000	036369	02*)	1.000
020191	1—50	200	025935	46*)	1.000	029973	1—50	200	033570	11*)	1.000	036693	1—50	500
020373	1—50	500	026281	1—50	500	029994	39*)	25.000	033624	46*)	1.000	036812	26*)	1.000
020467	32*)	1.000	026289	48*)	1.000	030106	31*)	1.000	033706	1—50	200	036877	07*)	1.000
020787	1—50	500	026510	43*)	1.000	030134	40*)	5.000	034046	44*)	1.000	036879	1—50	500
020971	34*)	1.000	026653	1—50	200	030681	1—50	500	034056	07*)	1.000	036914	1—50	200
021432	05*)	1.000	026768	1—50	200	030695	50*)	5.000	034098	35*)	1.000	036968	1—25	200
021626	1—50	200	026941	49*)	1.000	030801	32*)	1.000	034099	36*)	1.000	037053	08*)	5.000
021706	44*)	1.000	026974	41*)	1.000	030985	1—50	200	034270	21*)	1.000	037190	1—50	200
022011	1—50	500	027037	39*)	1.000	031060	23*)	1.000	034274	1—50	200	037202	1—50	200
022021	21*)	1.000	027098	04*)	1.000	031411	21*)	1.000	034311	17*)	10.000	037405	1—50	500
022237	27*)	1.000	027235	1—50	200	031470	11*)	1.000	034348	47*)	5.000	037856	34*)	1.000
022266	21*)	1.000	027590	1—50	500	031541	05*)	1.000	034359	38*)	1.000	038044	10*)	1.000
022429	1—50	200	027720	16*)	25.000	031714	1—50	200	034812	20*)	50.000	038064	08*)	1.000
022447	1—50	200	027722	1—50	200	031716	29*)	1.000	034857	33*)	1.000	038118	46*)	1.000
022462	44*)	1.000	027755	40*)	10.000	031962	11*)	1.000	034894	17*)	1.000	038134	18*)	1.000
022478	05*)	1.000	027805	47*)	1.000	032004	39*)	10.000	035005	23*)	1.000	038189	34*)	1.000
022509	41*)	1.000	027815	34*)	1.000	032241	25*)	1.000	035144	24*)	1.000	038190	1—50	500
022983	39*)	1.000	027818	41*)	1.000	032266	38*)	1.000	035286	1—50	200	038243	1—50	200
022988	33*)	1.000	027823	1—50	500	032447	1—50	500	035429	45*)	1.000	038461	42*)	1.000
023377	16*)	5.000	027896	14*)	1.000	032568	1—50	200	035442	01*)	1.000	038623	10*)	1.000
023485	1—50	200	028003	1—50	500	032609	40*)	1.000	035472	20*)	1.000	038636	1—50	200
023522	30*)	1.000	028203	21*)	1.000	032633	47*)	1.000	035515	47*)	1.000	038844	07*)	5.000
023816	1—50	200	028284	31*)	5.000	032689	1—50	200	035697	41*)	1.000	038981	1—50	500
023831	13*)	1.000	028321	1—50	500	032719	38*)	1.000	035900	1—50	500	039039	22*)	1.000
023877	42*)	1.000	028712	06*)	5.000	032723	09*)	1.000	035941	20*)	1.000	039113	19*)	1.000
024141	49*)	1.000	029008	08*)	5.000	032874	1—50	200	035947	27*)	1.000	039128	22*)	1.000
024368	16*)	1.000	029261	06*)	1.000	032946	09*)	1.000	036036	08*)	1.000	039212	1—50	200
024408	44*)	1.000	029346	32*)	5.000	033138	44*)	1.000	036092	1—50	500	039439	29*)	10.000
024513	31*)	1.000	029399	1—50	200	033188	20*)	1.000	036114	30*)	1.000	039549	1—50	500
024812	17*)	1.000	029518	38*)	1.000	033195	08*)	1.000	036186	38*)	1.000	039555	01*)	1.000
						033383	20*)	1.000	036217	26*)	10.000	039631	02*)	1.000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 200 сўм дан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Сталинобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Х. СОЛИБОЕВ.
Комиссиянинг масъул секретари Л. А. ВАСИЛЬЕВА.

ТЕАТРЛАРДА:

СТАНИСЛАВСКИЙ НОМЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ — Қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси — 29/I да Муқимий номли театрда **Севмаганга суйканма**, 30/I да Эстрада театрида **Равшан.** Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/I да **Оққуш кўли**, 30/I кеч соат 8 да **Ўзбекистон санъат усталари концерти.** Концертда: СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Назира Аҳмедова, Фотима Борухова, Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашадилар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/I да **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/I кеч соат 8 да 3 бўлимда янги программа. **К. Доротти гастроллари.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги чехословак бадиий фильми **Эски қон сирлари.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан **Жаноб 420**, кеч соат 10 да **Эски қон сирлари.**

Жар кўча, 9-тупик, 69-уйда турувчи **Ғиёс Иброҳимович Шофайзиевнинг** Жар кўча, 9-тупик, 41-а уйда турувчи Надежда Васильевна Шофайзиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

Олмазор кўча, Қирқолча тупик, 2-уйда турувчи **Владлен Агзамович Гареевнинг** Полиграфический проезд, 14-уйда турувчи Галина Леонидовна Гареевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 9-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 28142. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048.